

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ
ОРГАНИ

● 2004 йил, 14 январь, чоршанба № 5 (1893).

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ
ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Среда, 14 января, 2004 г. № 5 (1893).

Газета издается с 24 июня 1992 г.

● В розницу — цена свободная.

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ



Азиз аскар ва сержант ўғлоқларим!
Қадрли офицер ва генераллар,
мухтарам фахрийлар!

Авваламбор, сизларнинг барча-
гини бугунги қутлуг айём — бу-
тун халқимиз кутаринки руҳ билан
нишонлаётган Ватан ҳимоячилари
кунин, Ўзбекистон Қуролли Кучла-
рининг 12 йиллик байрами билан
чун қадримдан табриқлаш менга
катта мамнуният бахш этади.

Ҳар қайси миллат ва халқ учун
муқаддас саждагоҳ бўлиши оша
Ватанин қадрлаш, унинг эркинчилиги
ва озодлигини ҳимоялаш, бу йўл-
да, керак бўлса, жон фидо қилиш
— шу юртининг жасур ўғлоқлари,
ўзини эр йиғит деб биладиган ин-
сонлар учун қадим-қадимдан ор-
номус ва мардлик белгиси бўлиб
келган.

Кўҳна ва шонли тарихимиздан
яхши биламизки, халқимиз мана
шундай фидойилик ва қаҳрамонлик
намунасини кўрсатган фарзандла-
рининг ҳаминша юксак қадрлаган,
уларнинг жасорати ва садоқатини

қўшиқ ва дostonларда тараннум
ётган.

Бугунги нотинч ва таҳликали
замонда, узоқ ва яқин атрофимиз-
да тобора кучайиб бораётган таҳ-
дид ва хатарларини, бутун инсония-
тга катта хавф солаётган халқ-
аро терроризм балосини инобатга
оладиган бўлсак, мамлакатимиз-
нинг ҳудудий яхлитлигини, сарҳад-
ларимиз дахлсизлигини таъмин-
лашга қодир бўлган миллий армия-
мизни барпо этиш, уни ҳар то-
монлама замонавий талабларга
жавоб берадиган Қуролли Кучлар-
га айлантириш ҳозирги кунда энг
долзарб ва устувор давлат вази-
фаси бўлиб қолмоқда.

Биз бугун Қуролли Кучларимиз-
нинг 12 йиллик байрамини нишон-
лар эканмиз, янги, профессионал
замонавий армияни барпо этиш
мақсадида кейинги йилларда амал-
га оширган ишларимизни сарҳис-
об қилиб, бу йўлда қўйган қа-
дамларимиздан мамнун бўлишга
албатта ҳақлимиз.

Миллий армиямизнинг келажакни
ҳақида гапирганда, авваламбор
юртимизнинг жуғрофий ва геосий-
сий шароитини, минтақамиздаги
ҳарбий ҳаракатлар майдонининг
ўзига хослигини, мамлакатимизга
таҳдид солинши мумкин бўлган
хавф-хатарларини аниқ англаган
ҳолда, тезроқ ва ихчам, замонавий
қурол-аслаҳа ва техника воситалари
билан таъминланган, юксак маҳор-
ат ва жанговар руҳга эга бўлган
Қуролли Кучларини ўзимизга тасав-
вур қиламиз.

Шу борада бошланган ислохот-
ларни изчил давом эттириш ва охи-
рига етказиш, жумладан, жанговар
низомларни, норматив тартиб ва
қондаларни янада такомиллашти-
риш, қўшин турларининг фаоли-
тини мувофиқлаштириш, уларнинг
ўзаро ҳамкорлигини ошириш, ин-
чик офицерларни тайёрлайдиган
ҳарбий билим юртлирининг мод-
дий-техника базасини мустаҳкам-
лаш масалаларига, айниқса, армия-
мизнинг ўзаги бўлган сержантлар

мактабларининг тўлиқ шакллани-
шига алоҳида эътибор қаратиши-
миз зарур.

Энг асосийси, ҳозирги пайтда ар-
мия сафларидан хизмат қилиш ҳар
қайси йиғит учун унинг зиммасига
юкланган мажбуриятни бажариши-
гина эмас, балки барчанинг ҳава-
сини тортадиган шаронгда давлат
хизматида бўлиб, эл-юрт олдидаги
ғоят мураккаб, шу билан бирга,
ўта масъулиятли вазифани адо
этишга, ватанпарварлик, мардлик
мактабини ўташдек шарафли ишга
айланиши даркор.

Бу соҳадаги ўзгаришлар, хусу-
сан, армиямизнинг таркиб ва бош-
қарув жиҳатидан янгица негизда
ташқил этилаётгани, муддатли ҳар-
бий хизматининг 12 ой этиб белги-
лангани, янги — сафарбарлик ча-
қирув резерв хизматининг жорий
қилингани, ҳарбий қисмларнинг
моддий базаси, хизматчиларнинг
эса таъминоти ва маошлари оши-
рилгани ҳам ана шу йўлда мустаҳ-
кам пойдевор бўлиши шубҳасиз.

Жанговар тайёргарликнинг ин-
теллектуал даражасини юксалти-
риш, уни ялғор усул-усуллар, мо-
деллаштириш, компьютер ва инфор-
мацион технологиялар, замонавий
фан ютуқлари асосида ташқил этиш
йўлида олиб бораётган ҳаракатла-
римиз, бир томондан, ҳарбий хиз-
матини ўзи учун касб деб таълаған
инсонларнинг ақл-заковати ва ма-
ҳоратини оширишни тақозо этмоқ-
да, иккинчидан, бугун ҳарбий хиз-
матини ўташга ҳозирлик кўраётган
ёшларимиз олдида янги, юксак та-
лаблар қўймоқда.

Шу билан бирга, биз Қуролли
Кучларимизнинг халқро алоқала-
рини, НАТО ва Евроатлантик ҳам-
корлик уюшмаси каби халқро
ташқилотлар, турли давлатлар бил-
ан муносабатларини ривожланти-
риш, жумладан, «Тинчлик йўлида
ҳамкорлик» дастури доирасида ўт-
казилаётган ўқув машғулотлари-
нинг самарадорлигини янги бос-
қичга кўтариш — ҳаётин зарурат

эканини ҳам унутмаслигимиз ло-
зим.

Олдимизда турган муҳим вази-
фалардан яна бири — ҳарбийлари-
мизнинг хизмат ва яшаш шароити-
ни янада яхшилаш, эски маънода-
ги казарма деган тушунчадан бу-
тушлай воз кечиб, аскар, сержант
ва офицерларимизни ривожланган
давлатлар армияларидаги каби бар-
ча қўлайликларга эга бўлган замо-
навий тураржойлар билан таъмин-
лаш, уларнинг оила аъзолари ва
фарзандлари учун муносиб шароит
яратиб бериш ҳам доимий эътибо-
римиз марказида бўлмоғи керак.

Бир сўз билан айтганда, биз хал-
қимизнинг асрий орзуни бўлиши
мустақиллигимизни, тинч ва осуда
ҳаётимизни ҳар қандай хавф-ха-
тарлардан, бало-қазолардан асраш
ва ҳимоялаш мақсадини ўз олди-
мизга қўяр эканмиз, бунинг учун
аввало бугунги кун талабларига
жавоб берадиган миллий армияни
барпо этишимиз, унинг салоҳияти
ва маҳоратини оширишимиз за-
рурлигини ҳаётининг ўзи кун тарти-
бига қўймоқда. Бу кенг маъноли,
терап ҳақиқатни барчамиз яхши
англаб, тушуниб олишимиз даркор.

Сиздек мард ва довурак фар-
зандларимиз Ватанимизнинг тақди-
ри, халқимизнинг бугунги ва кел-
ажакни, оналаримиз ҳаловатини,
аёлларимиз, опа-сипилларимиз
шаънини, болаларимизнинг қувноқ
овозини, мусофиро осмонимизни
сақлаш учун Оллоҳ таолонинг ўзи
ато этган фазилатларини, белингиз-
да, билганингизда бўлган куч-қув-
ватини тўла сафарбар этасиз, деб
нишонаман.

Сизларни бугунги қутлуг шодиё-
на билан яна бир бор муборакбод
этар эканман, ҳар бирингизни ба-
рнимга босиб, барчангизга сиҳат-са-
ломатлик, куч-гайрат, жанговар
фаолиятингизда муваффақиятлар,
шахсий ҳаётингизда бахт ва омад-
лар тилайман.

Ислон КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти, Қуролли Кучлар
Олий Бош Қўмондонини.

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ—ХАЛҚИМИЗ ФАХРИ

Юртимизда Ватан ҳимоя-
чилари кунин ва Ўзбекистон
Республикаси Қуролли Куч-
лари ташқил топганининг
ўн икки йиллиги кенг ни-
шонламоқда.

13 январь кунин пойтах-
тимизда «Туркистон» са-
ройига Қуролли Кучларимиз
вакиллари, меҳнат ҳамда ар-
миямиз фахрийлари, олий
ҳарбий ўқув юртлирининг
курсантлари, шаҳар жамоат-
чилиги вакиллари таширф
буюрди. Бу ерда Ватан ҳи-
моячилари кунин ва Ўзбеки-
стон Республикаси Қуролли
Кучларининг ўн икки йилли-
гига бағишланган тантанали
йиғилиш бўлди.

Уни Тошкент шаҳар ҳо-
қими Р. Шоабдурахмонов
очди.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти, Қуролли Куч-
лар Олий Бош Қўмондонини
Ислон Каримовнинг Ватан
ҳимоячиларига байрам та-
бригини Президентнинг Дав-
лат маслаҳатчиси Х. Султо-
нов ўқиб эшиттирди.
Мудофаа вазири Қ. Ғуло-

мов маъруза қилди.

Йиғилишда мамлакатимиз
Президенти Ислон
Каримов бошқа тармоқлар
қаторида ҳарбий соҳани ҳам
ривожлантиришга алоҳида
эътибор кўрсатаётгани, за-
мон талаби ва халқро ан-
дозаларга жавоб берадиган
Қуролли Кучларимиз таш-
қил топгани, миллий армия-
миз — мустақиллигимиз-
нинг, тинч ва осойишта ҳа-
ётимизнинг мустаҳкам қафо-
лати экани таъкидланди.

Йиғитларимиз учун Қу-
ролли Кучлар сафида хиз-
мат қилиш ўз Конституция-
вий бурчини адо этишдангиз-
на иборат бўлиб қолмасдан,
пуфузли ва шарафли ишга
айланмоқда.

Йиғилишда сўзга чиққан
Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ
шоири А. Оринов, Жинзаҳ
вилоят ҳокимининг ўринбо-
сари С. Тўйчиева Ватан ҳи-
моячиларини байрам билан
табриқлади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг шу йил 10
январдаги Фармониға му-

вофиқ мамлакатимизнинг
мудофаа қудратини янада
юксалтириш, сарҳадларимиз
дахлсизлиги ва миллий хавф-
сизлигимизни таъминлаш,
ёшларни ватанпарварлик ру-
ҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тар-
тибот ва эл-юрт осойишта-
лигини мустаҳкамлаш иши-
га қўшаётган катта ҳиссаин,
самарали фаолияти учун Ва-
тан ҳимоячилари кунин муно-
сабати билан ҳуқуқини муҳо-
фаза қилиш органлари, Дав-
лат чегараларини ҳимоя қи-
лувчи қўмига, Мудофаа ва
Фавқулодда вазиятлар ва-
зирликларини ходимларидан
бир гуруҳи Ватанимизнинг
фахрий унвоилари, орден ва
медаллари билан тақдирлан-
ди. Йиғилишда ана шу му-
кофотлар топширилди.

Ватан ҳимоячилари кунин
ва Қуролли Кучларимиз таш-
қил этилганининг 12 йилли-
гига бағишлаб ўтказилган
Ўзбекистон Республикаси
Қуролли Кучларининг «Энг
яхши сержант», «Энг яхши
жанговар гуруҳ командири»,
«Энг яхши взвод команди-

ри», «Энг яхши батальон ко-
мандири» номинациялари
бўйича танлов байрам ара-
фасида янгуланди. Мудофаа
вазирининг, Давлат чегарала-
рини ҳимоя қилувчи қўмига,
Ички ишлар вазириликнинг
ички қўшинлар, Миллий
хавфсизлик хизматининг
қисмлари ва округлар-
да ўтказилган танлов-
да 68 нафар ғолиб
аниқланди. Танлов ғолиб-
лари динлом ва қимматбаҳо
совғаларини Ўзбекистон
Республикаси Қуролли Кучлари
Бирлашган штабининг бош-
лиги, генерал-майор И. Эрга-
шев топширди.

Мукофотланганлар пом-
дан сўзга чиққан катта лей-
тенант О. Қосимов ва серж-
ант У. Ширинов ҳарбий
хизматчиларга кўрсатилаёт-
ган доимий ғамхўрлик учун
мамлакатимиз Президентига
миннатдорчилик билдирди.
Йиғилишда Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажли-
си Равшан Э. Халилов, Бош
вазир Ш. Мирзиёев иштирок
этди. (ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИДАН

2004 йил 13 январь кунин
соат 19.27 да Тошкент шаҳ-
ри аэропорти ҳудудида Тер-
миз — Тошкент йўналиши
бўйича 11-54 рейсини бажара-
ётган ЯК-40 самолёти қўшиқ
чоғида ҳалокатга учради.

Ҳалокат оқибатида 32 йў-
ловчи ва 5 нафар экипаж
аъзоси ҳалок бўлди. Воқеа
содир бўлган жойда авария
қутқарув хизмати иш олиб
бормоқда. Ҳалок бўлганлар-
нинг тўлиқ рўйхати матбу-
отда эълон қилинади.

Ташқил этилган ҳукумат
комиссияини ҳалокат сабаб-
ларини аниқлашга киришди.

Мамлакатимиз раҳбария-
ти ҳалок бўлганларининг оила
аъзолари ва яқинларига чу-
қур ҳамдардлик билдиради.
(ЎзА).

ЯНГИ МАРКАЗ БИЛАН ТАНИШУВ

Мамлакатимиз Президент Ислам Каримов раҳбарлигида Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар туфайли миллий армия шаклланди. Ёшларнинг ҳарбий соҳаларга қизиқиши тобора ортомоқда.

Ватан ҳимоячилари кунин арафасида, 12 январь кунин давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг яқинда иш бошлаган Моделлаштириш ва симуляция бўйича информацион технологиялар махсус марказига ташриф буюрди.

Марказ энг замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган. Президентимиз бу ерда яратилган шарт-шароитдан мамнуун бўлди.

Айни пайтда марказда Ўзбекистон Қуролли Кучлари академияси тингловчилари малака оширмоқда. Махсус дастурга мувофиқ есражатлар тайёрлаш мактаблари, олий ҳарбий билим юрталари курсантлари ҳам бу ерда ўз малакасини оширади.

— Ушбу марказнинг ташкил этилиши узоқни кўзлаб

амалга оширилган ишдир. — деди Ислам Каримов. — Шундай экан, ўрта бугун командирлари бу ерда таълим олиши шарт.

Президентимиз зирҳли машиналар тренажёрларини кўздан кечирди. Ўқув жараёни ва амалий машғулотларнинг натижалари билан қизиқди. Курсантлар билан суҳбатлашди.

— Ватанимиз, халқимиз сиз каби ўқтам, азми қатъий йигитларга ишонади. — деди Юртбошимиз. — Командир ҳар томонлама қомил инсон бўлмоғи лозим. Шундай экан, ҳарбийга қақриллаётган ёшларимиз жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол бўлмоғи даркор.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ягона ҳисобланган мазкур марказ ҳарбийларимизнинг ўқув-тактик машғулотлар ва жанговар операцияларни моделлаштиришни ўрганишида, замонавий информацион технологияларни ўзлаштиришида муҳим аҳамиятга эга маскан бўлиб қолади.

Воҳид ЛУҚМОН,
ЎЗА мухбири.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
халқ шoirи.

Ватан розиман деб жавоб қилса бас!

Бу байрам ҳар биримизга, ҳар бир хонадонга бевосита алоқадор қутлуғ санадир. Чунки, Ватанимиз ва халқимиз олдида ҳаммамиз баб-баравар масъулмиз.

Чегараларимиздан биринчи посбонлик қилаётган ёшгина йигитдан кайфияти ва руҳиятини сўраганимда, у «Шoir бобо, мен айниқса, кечалари посбонлик қилишни ёқтираман. Чунки, мен туфайли ватандошларим тинч ва осойишта ором олаётганини ҳис қиламан», — деб жавоб берди.

Бу бугунги ёш фидойи асар ўғлимизнинг ифтори эди.

Эсимда, бир вақтлар чегарамизни бузиб ўтишга, халқимиз тинчлигига тажовуз қилишга уринган ғаламислар билан жангда ҳалок бўлган бир йигитимизнинг онаси: «Болам, сен Ватаннинг учун жонингни фидо қилибсанми, берган оқ сутимга розиман!», деганди.

Бу она Ватаннинг, она халқимизнинг илдоси эди.

Бизнинг барчамизни Ватан мустақиллигидек бебаҳо туйғу, аждодларимизнинг ориятга тула шавкатли ҳаёт йўли бирлаштириб турибди.

Бугунги Ватан ҳимоячиси кимми ва печоғлик табаррук Ватанини қўриқлаётганини ахши билади.

Унинг кўз олдида Самарқанду Бухоронинг маҳобатли гўмбазлари нақадар азиз бўлса, жаҳонга парвоз қилай деб компьютер олдида дуб ўлмларини эгаллаётган ўғил-қизларимизнинг хотиржамлиги ҳам шунчалик қадрлидир.

Бизнинг миллий армиямиз мустақиллигимизнинг муҳим белгисига айланди.

Истиқлолимизнинг ҳам, деч макким, янги миллий армиямизнинг ҳам раҳнамоси ва ташкилотчиси Юртбошимиз — Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондон Ислам Каримовдир.

Президентимиз «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам

бўлмаймиз ҳам» деган ғурурбахш даъватни доимо ўқтириб келадилар.

Ушбу даъват бевосита миллий армиямизга ҳам тегишли десан, тўғри бўлади.

Дарҳақиқат, ҳарбу зарб саноҳиятида ҳам биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз! Соҳибқирон Амир Темур, ёвқур Жалолиддин Манғуберди жасоратларини такрор-такрор эслашимизнинг боиси шу эмасми?!

Биз ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!

Бугунги Миллий Армиямизнинг жаҳондаги энг етуқ армиялар қаторидан жой олишга эришаётгани бунинг ёрқин исботи-ку!

Бизнинг ҳимоячиларимиз нанки соқчи, балки улар маънап интеллектуал қомил йигитлардир. Президентимиз уларга ишопч билдирар эканлар, асарларимизнинг бурчи ҳақида гапириб, шундай деганлар:

«Токи улар мана шу кенг далалар, қадрдон қир-адирлар, мусаффо осмон, шу гўзал ҳаётни ўзи ва оиласи, келажак авлодлар учун ҳам бегубор ва боқий сақлашга масъул эканини теран ҳис эта олсин!».

САДОҚАТ

Кимдир шеър ёзди,
ким қирар жангга.
Хизмат қилсам дейди
ҳар ким Ватанга.
Бундан мурод недир,
недир муддао?
Қуш ҳам ўз ошённи
асрар доймо.
Шу Ватан қўйнида
тондик то камол,
Унга чин садоқат —
энг эзгу аъмол.
Аслида меҳр ҳам,
муруват ҳам шу,
Демак шoirнинг мангу,
шавкатинг мангу.
Онадан оқ сутинг
ҳақиқи сўралмас,
Ватан розиман деб
жавоб қилса бас!

Мамлакатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартибот ва эл-юрт осойишталигини мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги самарали фаолияти учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИДА
ХИЗМАТ КўРСАТГАН
ЕШЛАР МУРАББИСИ»

ЭРГАШЕВ Ганишер Эрматович — Тошкент шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбга йўналтирувчи Республика лицейининг директор ўринбосари.

ЛЕОНТЬЕВА Валентина Александровна — Тошкент Олий умумқўшни командирлари билим юртининг катта ўқитувчиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ФАРМОНИ

«Ватан ҳимоячилари кунин муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

РАҲИМОВ Эркин Муҳаммадзонович — Миллий хавфсизлик хизмати ходими.

«ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИДА
ХИЗМАТ КўРСАТГАН
ЮРИСТ»

МИРЗАЕВ Тоҳир Қамбарович — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раиси.
МУҲАММАДИЕВ Урол Лафасович — Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбо-

сари — тергов бошқармаси бошлиғи.

«ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИДА
ХИЗМАТ КўРСАТГАН
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ХОДИМИ»

ЗАИНУЛЛИНА Ранса Зарифовна — Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси тиббиёт бўлими поликлиникаси шифокори

(Давоми 3-бетда).

● ВНИМАНИЕ: КОНКУРС!

ЛУЧШИЕ ИЗ ЛУЧШИХ

Участники конкурса излучают уверенность в себе, профессионализм, переживают, пожалуй, самые волнующие минуты за все время его проведения. Если в учебных классах, на войсковом стрельбище или танкодроме они выполняли в общем-то привычную для себя работу, то на торжественном собрании, посвященном празднику Дня защитников Родины, они предстали перед огромной аудиторией, где в присутствии высших гостей им были вручены дипломы, денежные премии, ценные подарки и в их адрес прозвучали слова благодарности за ратный труд, весомый вклад в реформирование Вооруженных Сил, высочайший профессионализм.

Несколько подробнее о награждении. Все победители окружных этапов состязаний были премированы денежными премиями в размере одного должностного оклада, а победители заключительного этапа в масштабе министерств и ведомств в размере полутора должностных окладов.

Особо хочется отметить высшие учебные заведения Министерства высшего и средне-специального образования. Ценные подарки, врученные вузами данного министерства, поистине были

Впрочем, в успехе этого офицера мало кто сомневался. Его опыт и мастерство давно уже списали себе добрую славу. Мужество и героизм, высокую ответственность за выполнение поставленной задачи продемонстрировал он в ходе тревожных событий 2000-го, истинными профессионалами зарекомендовав себя его подчиненные на тактических учениях, во всем равняясь на своего командира. Однако, надо отметить, нынешняя победа нелегко далась офицеру Рахмонову. Всего лишь на несколько баллов он опередил своего соперника капитана Д. Чориева, занявшего в итоге 2-е

место. Третьим в категории «Лучший командир батальона» назван майор У. Рахматуллаев.

Признавшими мастерами своего дела зарекомендовали себя и командиры взводов. Все они, без исключения, блестяще показали практические навыки в вооруженно-политической и командирской подготовке, доказав тем самым, что командование не ошиблось, назначив их на эти должности. И все же лучше других справился с задачами конкурса старший лейтенант М. Мирахмедов. Его действия не вызвали у членов комиссии ни малейших нареканий. Лестных отзывов заслу-



прекрасными. Всем победителям в номинации «Лучший сержант» и «Лучший командир группы» были вручены видеоманитофоны; «Лучшие командиры взводов» получили телевизоры; «Лучшие командиры батальонов» стали обладателями компьютеров, телевизоров. Что ж, по труду и чести.

В первую очередь это крылатое выражение адресовано победителям и призерам конкурса, который, как известно, проводился по четырем номинациям. Лучшим командиром батальона среди войск Министерства обороны признан кавалер ордена «Шон-Шараф» II степени подполковник Р. Рахмонов.

место. Третьим в категории «Лучший командир батальона» назван майор У. Рахматуллаев.

Признавшими мастерами своего дела зарекомендовали себя и командиры взводов. Все они, без исключения, блестяще показали практические навыки в вооруженно-политической и командирской подготовке, доказав тем самым, что командование не ошиблось, назначив их на эти должности. И все же лучше других справился с задачами конкурса старший лейтенант М. Мирахмедов. Его действия не вызвали у членов комиссии ни малейших нареканий. Лестных отзывов заслу-

ведены — победители названы, а мы все еще раз убеждаемся в том, что Вооруженные Силы республики располагают высококлассными специалистами, умелыми командирами и воспитателями, а значит, они всегда в готовности отстоять светлые завоевания независимости, надежно защитить мирный, созидательный труд нашего народа.

Подполковник
Ярослав КОРУКА,

На снимках: подполковник Р. Рахмонов (вверху), старший лейтенант М. Мирахмедов (слева), лейтенант З. Ходиев (в центре) и младший сержант А. Ирисов.

(Давоми. Боши 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ФАРМОНИ

ҚАРШИБОВ Фахриддин Жумақулович — Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бўлими бошлиғи.
МУҲАМЕДОВ Хуснуддин Зухурович — Миллий хавфсизлик хизмати ходими.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ»

ГУЛЗОРОВ Юнус Алиевич — Тошкент Олий ҳарбий чегарачилар билим юрти ашула ва рақс ансамбли бошлиғи

Республикамиз қуролли кучларининг жанговар ва сиёсий тайёргарлигини ошириш, давлатимиз ва халқимизнинг оқойинларининг муҳофазасида эгшик мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатганлиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати, ҳуқуқ тартибни мустақамлаш борасидаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

АВЕЗОВ Незмат Ҳабибуллаевич — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

ОМОНБОВ Алишер Тўраевич — Тошкент вилояти божхона бошқармаси бошлиғи

БУРХОНОВ Аҳмад Жамолович — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг эскадрильяси командири

ЖУРАЕВ Жаҳонгир Фазлдинович — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара райони бошлиғи

НОСИРОВ Аҳат Ҳамзиевич — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

РАҲИМОВ Уткир Азимович — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

СОБИРОВ Алижон Қўчқорович — Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

ЧИБОТАРУ Евгений Михайлович — Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлари ҳарбий қисми командири

ҒОИПОВ Ойбек Нозимович — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара назорати взводи назоратчиси

«МЕХНАТ ШУХРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

АКЧУРИН Ринат Анварович — «Ватанпарвар» таъкилот Марказий кенгаши авиация спорт бўлими бошлиғининг ўринбосари

ИММОҚОРИЕВ Маҳмуджон Аъзамович — Давлат фельдшерлик хизмати бошлиғининг ўринбосари — махсус бошқарма ва диктурьерлик бўлими бошлиғи

КОВАЛЕНКО Павлина Васильевна — Давлат божхона қўмитаси молна-иқтисодий бошқармаси бошлиғи

НИЕЗОВ Шухрат Ниёзович — Ички ишлар вазирлиги Тошкент Олий ҳарбий техника билим юрти бошлиғи

УСМОНОВ Ҳошим Ҳамидович — Ички ишлар вазирлиги Марказий госпитали бошлиғи

ЮНУСОВ Миржалил Юсуфович — Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институтининг кафедра бошлиғи

ҚАЛАНДАРОВ Эркинбой Отамуродович — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми командири

«ДУСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

БЕКIROV Ромен Дялевич — Мудофаа вазирли-

ги ҳарбий қисми командирининг ўринбосари

ҒАЙНУДДИНОВ Урол Зуфарович — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи

ИМОМОВ Абдуҳамид Аҳмадалиевич — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси

МИРЗАМУҲАМЕДОВ Ботир Исроилевич — Мудофаа вазирлиги бошқармаси бошлиғи

МУРОТОВ Баҳодир Муротович — Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизматининг катта инспектори

МЫКЫТЮК Станислав Николаевич — Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашини бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

ТОКАРЕВА Валентина Андреевна — Тошкент Олий ҳарбий чегарачилар билим юртининг кафедраси профессори

ХАРЛАМОВ Александр Николаевич — Мудофаа вазирлиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

ЧЕРНЫШ Павел Павлович — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

ШАБАНОВ Юрий Николаевич — Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фавқулодда вазиятларни башорат қилиш ва мониторинг марказининг бўлим бошлиғи

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

АБДУЛАКИМОВ Рустам Зулфиқорович — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг қўриқлаш чегара катери командири

АБДУРАЗЗОҚОВ Акмал Абдураҳмонович — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости секцияси командири

АБДУРАҲМОНОВ Валижон Мамажонович — Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлари ҳарбий қисми командири

АЛИЕВ Музаффар Рустамович — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости бошлиғи

АҲМОНОВ Толип Эркинович — Мудофаа вазирлиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари

АЮПОВ Мирҳасан Ҳодиевич — Самарқанд тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашини бўлиминининг катта тезкор вакили

ВОБОЖОНОВ Дилшод Раҳматуллаевич — Ички ишлар вазирлиги криминал ва уюшган жиноятчиликка қарши курашини бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

БОБОНИЕЗОВ Илҳом Ражабович — Қорақалпоғистон Республикаси Аму-дарё тумани Ички ишлар бўлими профилактика инспектори

БАРАТОВ Комижон Сайдуллаевич — Сурхондарё вилояти ёнги хавфсизлиги бошқармаси бўлими командири

БЕКМУҲАМЕДОВ Талъат Аминович — Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлари ҳарбий қисми командири хизмати бошлиғи

БОБОЕРОВ Низомиддин Эргашевич — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости секцияси мотокўчиси

ҒАНИЕВ Фарҳод Алижонович — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг эскадрильяси командири ўринбосари

ДАВЛАТОВ Сайдулла Ҳайруллаевич — Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашини бошқармасининг бўлим бошлиғи

ИСЛОМОВ Шерали Уташович — Қашқадарё вилояти божхона бошқармаси «Ғузор-Дехқонобод» божхона пости катта инспектори

ҚИДИРОВ Омонғелди Шомуротович — Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармасининг бўлими катта тезкор вакили

КУБАЕВ Тоҳир Уткирович — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара назорати пости назоратчиси

ЛАТИПОВ Ҳабиб Ҳалимович — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

НАЖИМОВ Нуржон Қутлимуротович — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости бошлиғи

НУРМАМАТОВ Жаҳонгир Раҳмоқул ўғли — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара назорати взводи назоратчиси

НУРУЛЛАЕВ Дилшод Абдуллаевич — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

ОЛЛОБЕРГАНОВ Баҳодир Раҳимович — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг эскадрильяси командири

ОТАЖОНОВ Кўпалбой Юсуфович (марҳум) — Хоразм вилояти Янгиариқ тумани ички ишлар бўлимининг профилактика инспектори

ОЧИЛОВ Фарҳод Пўлатович — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

ОҚЎЗИЕВ Ербобо Едгорович — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

ПОПОВ Юрий Тўрьевич — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг взвод командири

РАВШАНОВ Ҳасан Эшмуротович — Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисмининг қоровул бошлиғи

РАСУЛОВ Бунёджон Тожиқатович — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости бошлиғи

САМАТОВ Абдуқаҳор Орзиқулович — Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси пост-патруль хизмати бригадасининг милиционер-ҳайдовчиси

САТТОРОВ Абдимажит — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

ТОШПУЛАТОВ Аҳмад Мухторович — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости секцияси командири

ТУРҒУНОВ Алимардон Абдулманович — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости бошлиғи

ТУХЛИЕВ Ҳабибулла Давирович — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

УРОЛБЕКОВ Ержон Жўрабоевич — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара райони взводи командири

УРОЛОВ Маҳмуд Араббоевич — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости секцияси командири

УТЕМУРАТОВ Ботир Турганбоевич — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости катта ҳайдовчиси

ХУДОИБЕРГАНОВ Карим Назирович — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг йўл-патруль хизмати инспектори

ХУРРАМОВ Шавкат Ашуралиевич — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара назорати взводи назоратчиси

ИҶДОШЕВ Расул Насимович — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашини бошқармаси катта терговчиси

ЮСУПОВ Қодирберган — Хоразм вилояти Урганч шаҳар Ички ишлар бўлими профилактика инспектори

ЯРАШЕВ Шерзод Турсунбоевич — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара райони взводи мутахассиси

ЭРИММАТОВ Азамат Холметович — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара райони бошлиғи ўринбосари

ЭСОМОВ Шералижон Шарифжонович — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми ҳайловчиси

ҚОСИМОВ Ойбек Миркомил ўғли — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости бошлиғи

«ШУХРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

АБДУҚАЮМОВ Абдулхай — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

АБИЛОВ Ермама — Давлат фельдшерлик хизматининг Сирдарё вилояти бўлимининг бошлиғи

АЗИЗОВ Шакаралли Акбарович — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг цехи бошлиғи

АЗИМОВ Шухрат Бахтиёрович — Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тез ҳаракат қилиш Республика кўп тармоқли маркази бирликма командири

АЗИМОВ Қаҳрамон Уроқович — Мудофаа вазирлигининг сержантлар тайёрлаш мактаби катта инструктори

АСРАЕВ Ғайратжон Комилович — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг взводи мутахассиси

ОТАБОВ Аграмжон Қўшқоңович — Миллий хавфсизлиги хизмати ходими

АҲМАДАЛИЕВ Баҳодир Усмоналиевич — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости секцияси инструктори

БЕГИМҚУЛОВ Шавкат Раҳимович — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг ҳарбий қисм гуруҳи командири

БЕКТОШЕВ Анвар Аҳмедович — Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлари ҳарбий қисми командирининг ўринбосари

БОЛТАБОВ Шаҳобиддин Камолитдинович — Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлари ҳарбий қисмининг взвод командири

БУРАКОВ Анатолий Петрович — Тошкент шаҳридаги Миллий авиация спорт клуби учаш хизматининг парашютичлар гуруҳи бошлиғи

ДОЛИМОВ Шокир Зокирович — Мудофаа вазирлиги ҳарбий округининг сержантлар тайёрлаш мактаби ўқитувчиси

ЕРМАТОВ Абдурашид Абдурамазович — Сурхондарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи

ИБРОҲИМОВ Доннёр Муҳаммадалиевич — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи

қўмитанинг чегара пости секцияси командири

ҚОДИРОВ Жаҳонгир Жавлонович — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳи командири

КУБАЕВ Фозилжон Элибоевич — Мудофаа вазирлиги дивизиони командири

ҚУРБОНОВ Бобир Пўлатович — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашини бошқармасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси

ҚУЧҚОРОВ Рустам Қурбонбоевич — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг секцияси командири

МАЛЛАЕВ Абдисалом Хуррамович — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг бўлимининг техникчи

МАШАРИПОВ Одамбой Сапарметович — Тошкент «Шимолий» темир йўл бекати божхона назоратини ўтказиш комплекс бошлиғи

МИРЗАРАҲИМОВ Баҳодир ИҶдошев — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

НАРЗИЕВ Қувватилла Иброҳимович — Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи

НИЗОМОВ Ҳабибуллоҳ Сайитхонович — Самарқанд шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касба йўналирувчи Республика лицейининг гуруҳ бошлиғи

НИЯТОВ Ваҳоб Арслонович — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг взводи старшинаси

НОРБЕКОВ Бозор Аҳатович — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг отиш майдон бошлиғи

НОРМУРОДОВ Валишер Бахтиёрович — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара райони взводи гуруҳи командири

ОЧИЛОВ Уткир Шералиевич — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара райони штаб бошлагининг ўринбосари

РАҲМОНОВ Шавкат Жуманазарович — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг взводи ўқичси

РИЗАЕВ Алишер Қадарбоевич — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг бўлим бошлиғи

СОАТОВ Дилшод Хаюмович — Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар мудофаа ишлари бўлими бошлиғи

САМИЕВ Фарҳод Фармонович — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг взвод командири

СУЛАЙМОНОВ Умид Муҳаммадович — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми командирининг ўринбосари

ТЕМИРОВ Қавмиддин Комилович — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми командирининг ўринбосари

ТУРАҚУЛОВ Олимжон Абборович — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

ҲАЙДАРОВ Қозимбек Абдуҳакимович — Чирчиқ Олий таълим қўмондонлик-муҳандислик билим юрти артиллерия батареяси командири

ҲАНИТБОВ Асадулла Ҳасанович — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми бўлимининг командири

ҲУСАНОВ Собир Орпович — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси таъкилий инспекторлик бошқармасининг инспекция бошлиғи

ЮСУПОВ Азамат Незматович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги «Қўриқлаш» бирлашмасининг бошлиғи

ЯҲҲЕВ Боқижон Бақоевич — Навоий ҳарбий судининг раиси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Н. КАРИМОВ**.
Тошкент шаҳри.
2004 йил 10 январь

ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ—

СЕРЖАНТЛАР АРМИЯНИНГ СУЯНЧИ ВА ТАЯНЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини Ислом Каримов ўтган йили водийга сафари чоғида Шарқий ҳарбий округнинг Чортоқ туманида жойлашган Сержантлар тайёрлаш мактабида ҳам бўлган эдилар.

Маълумки, Қуролли Кучларимиз тизимида бундай мактабларнинг жорий этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шундай бўлишига қарамасдан, бу мактабга кириб, сержант бўлиб, ҳарбий бўламан деган ўғлонларимиз соғи кундан-кунга ортиб борапти. Бизнингча, фақат ўғлонларимиз десак, унчалик тўғри бўлмас, бугунги кунда бу мактабга кириб ўқиш иштирокида юрган хотин-қизларимиз ҳам кўпчилиги ташкил этмоқда. Битириб чиқаилар орасида оз бўлса-да, хотин-қизлар ҳам бор.

Деярли барча округларда бугунги кунда Сержантлар тайёрлаш мактаблари фаолият кўрсатаяпти. Аста-секинлик билан таълим-тарбия учун зарур бўлган кўплаб объектлар қурилиб фойдаланишига топширилмоқда.

Юртбошимиз Чортоқ туманидаги Сержантлар тайёрлаш мактабида бўлганларида бу ерда барпо этилаётган объектлардаги ишларни тезлаштириш учун зарур кўрсатмалар берган эдилар. Шунини қувонч билан айтиш мумкинки, бугунги кунда ушбу мактабда жуда кўп ишлар муваффақиятли тарзда амалга оширилди.


Президентимизнинг таъаббуси, раҳбарликлари естида армиямизда кенг қўлланма ислоҳотлар ўтказилляпти. Биз ўз олдимизга ўзимизга мос ва ўзимизга хос ихчамгина миллий армиямизни барпо этишни мақсад қилиб қўйганмиз. Шакллантирилган Қуролли Кучларимиз олдида битта вазифа турибди: мустақиллигимизни, чегараларимизни, ҳалқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилиш.

Бу вазифа ўта шарафли ва масъулиятлидир. Асл ўғлонлар Ватан ҳимоячиси бўлади. Бунда сержантларнинг роли катта.

— Сержантлар армиямизнинг асосий суянчи ва таянчидир, — дегандилар ўша учрашувда Ислом Каримов.

Юртбошимиз сержантларнинг армияда тутаёқ ўрни ва роли тўғрисида фикр билдиргач, уларга кўрсатиладиган эътибор ва эҳтиром орасида ҳам тўхтаган эдилар. Сержантларнинг моддий таъминоти, уй-жой билан таъминланиши яхшиламоқда.

Сержантлик унвон эмас, бугунги кунда сержантлик касбга айланмоқда. Ҳозирча, сержантлик касбини армия сафида хизмат қилган ўғлонларимиз танлашмоқда. Яқин келажакда эса республикамизнинг олий ўқув юр-



ларида таҳсил олган — олий маълумотлилар орасидан ҳам, албатта, сержантлар янади. Чунки бу касбга талаб ортапти, бу касбнинг нуфузи ортапти.
Президентимизнинг, ҳуку-

матимизнинг сержантларга кўрсатаётган гамхўрликларини фикримизни неботлаб турибди.

Подполковник Абдуразақ ОБРУЕВ, «Ватанпарвар» мухбири.

Ҳар бир ўқув йили ислоҳотлар талаблари, моҳиятидан келиб чиқиб, Қуролли Кучларимиз шахсий таркиби олдида янги-янги вазифаларни қўяди. Бу эса йилдан-

юксак натижаларнинг асосий омилларидан бири. — Уртоқ мухбир, жамоамизнинг саксон фонддан эи-эдрогини Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти-

возлар хавфсизлигини таъминлаш, жанговар техникага бўлган масъулиятини кучайтириш, Ватан, халқ олдидаги, юрт ҳимояси йўлидаги масъулиятини ҳис қилишларига эътибор қаратдик. Утган ўқув йилида махсус бўлишма билан ҳамкорликда ўтказган тактик ўқув машғулотларимизда бу мезонлар ўз самарасини берди. Бунда подполковниклар — Темир Юсунов, Алик Бобоқулов, майорлар — Аҳмаджон Бурхонов, Ямаолдин Рўзиев, Сергей Харламов, Собит Рамапов, Акмал Сувонов, капитанлар — Баҳодир Солиев, Шухрат Акбаржонов, Гариф Ҳамидовларнинг хизматлари беқиёс бўлди. Тактик ўқув машғулотлари давомида ҳаводан туриб махсус бўлишмани қўллаб-қувватладик. Айниқса, учувчиларимиз ноқулай об-ҳаво шароитларида, ноқулай рельефда қўниш ва парвозларни аниқ амалга оширишларида, маҳорат тоблангани янада аён бўлди. Ёш офицерларни ҳар томонлама тайёрлаш, уларга замонавий ҳарбий билимларни нухта ўргатишга жиддий эътибор қаратамиз. Масалан, 2003 йилда сафларимизга Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртидан лейтенантлар — Отабек Тўланбоев, Жаҳонгир Раҳимов каби билимли учувчилар келиб қўшилди. Яқинда сиповлардан ўтиб бўлишиб, парвоз учун руҳсат олишади, — деди, жумладан қисм командири.

Илғор жамоа қишки ўқув мавсуми машғулотларига кўтаришни кайфиятда киришгани билан ютуқларнинг янги довоми сари илдам борилмоқда. Мақсад ҳам шу — янада такомиллашув, янада профессионаллашув.

Нигоҳлар кўнка қадалади. Мовий осмон узра чарх уриб парвоз қилаётганлар ўзимизнинг — мустақил Ўзбекистон армиясининг сарлочилилари. Улар ҳеч нимдан кам эмас, кам бўлишмайди ҳам.

Бунинг учун имконият бор, шароит мавжуд. Фақат гайрат камарини маҳкамроқ боғлаш керак. Фидойилик кўрсатиш зарур. Ана шунда ҳаммаси жойига тушади. Ғалабанинг ўзи эшик қоқади, муваффақият устига муваффақиятнинг ўзи келаверади. Аслида, шундай бўлади ҳам.

Капитал Алижон САФАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

Армиямиз сарлочинлари

йилга — посбонларимизнинг жанговар шайлиги, касбий маҳорати, билими, дунёқарши ошишида муҳим оми. Ортда қолган ўқув йилида Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари бўйича вертолётчилар қисми мусобақа ғолибидея эълон қилинди. Таъкид-

нинг битирувчилари ташкил этади, — деди фахр билан сўхбатимиз аввалида майор Жанабаев.

Ҳа, фахрланса арзийдиган кўрсаткич бу. Истиқлолимиз меvasи бўлган мазкур билим юртининг самараси бу. Очирғи, билим юрти ташкил этилганда, унинг илк битирувчи-



лаш жонзини, мазкур қисм шахсий таркиби ғолиблик ноҳусунасига иккинчи бора ўқиши. Яъни, 2000 йилда жамоа шундорлари ғолиблик нашидасини суришганди. Ўшанда ҳам парвози билади шочинлар жамоаси ютуқлари хусусида ҳикоя қилганди.

Яқинда ушбу қисмда бўлиб, ютуқлар омиллини ўрганишга ҳаракат қилдим. Аввало вақтинча қисм командири вазифасини бажарётган майор Мэлс Жанабаев билан учрашдим. Ёш, гайратли, дажрибали командир жанговар тайёргарликларини тўғри, шунинг таъкидлаштиратгани

лари сафларини тўлдирганда бироз ғаразғўйлик билан айтилган фикрлар ҳам бўлди. Аммо сарлочиларимиз ўз сўзларини айтишганда, мусаффо осмонимиз узра баланд-баланд парвоз этишганда ҳасадғўйлар тилини тишлаб қолди. Ҳозир гина-кудуратлар пайти эмас. Шундорларимиз ютуқларини кўриб, шунчаки ҳаётдан ўтган гаплар-да. Келинг, яна мавзуга, вертолётчилар сардори билан бўлган сўхбатга қайтайлик.

— Аввало, шахсий таркибни ўқитиш, уларнинг касбий маҳоратини ошириш, пар-

В ВОЕННЫХ УЧИЛИЩАХ

Возвращение на Олимп

В истории Чирчикского ВТКИУ 2003 год займет особое место — по итогам соревнования в 2002—2003 учебном году среди высших учебных заведений Министерства обороны данное училище признано лучшим. Стоит подчеркнуть, что успех этот не был первым — переходный приз Военной коллегии Министерства обороны уже доставался ЧВТКИУ в 2001 году.



— Какая все же великая сила заключена в соревновании, — говорит исполняющий обязанности начальника училища полковник Александр Мокеев. — После той, памятной для нас победы, в 2002 году лучшим признан Специальный факультет связи ТУИТ, куда я перекочевал переходящий приз. Знаете, как это подхлестнуло всех — личный состав считал для себя делом чести доказать закономерность того успеха, вернуть награду. И я очень рад, что мы добились поставленной цели.

Итак, если первым слагаемым победы является хорошая организация соревнования, то вторым по значимости моментом следует назвать активное развитие международного военного сотрудничества. Благодаря составленной Министерством обороны программе в данном направлении, ЧВТКИУ активно перенимает опыт обучения в американской Академии Вест-Пойнт, училище нередко посещают военные делегации разных стран мира, живо интересуюсь организацией учебного процесса.

Реформа наших Вооруженных Сил потребовала от преподавателей ЧВТКИУ и участия в подготовке новых

учебников и наставлений для боевой учебы войск. И они справились с задачей образцово — за свой учебник по огневой подготовке подполковник Олег Син удостоен почетного звания «Заслуженный наставник молодежи Республики Узбекистан», а недавно издан учебник по военной топографии под авторством подполковника Хикматулло Тошметова. Еще одной формой участия училища в боевой подготовке войск является факультет повышения квалификации офицеров Сухопутных войск, возглавляемый подполковником Шожалимом Холмухамедовым.

Важной составляющей стало и сотрудничество с НИО «Академприбор» Академии наук Узбекистана — ими поставлен компьютерный тренажерный комплекс по обучению на танках, планируется еще на БМП и БМД. Союз науки с военными поднял качество обучения курсантов на новую высоту.

Как видим, у возвращения на Олимп есть прочная и серьезная основа, позволяющая с оптимизмом смотреть вперед.

Майор Аблай КАМАЛОВ, корр. «Ватанпарвара».

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ГАРОВИ!

● ЖАНГОВАР ДУСТЛАРИМИЗ ҲАЁТИДАН


ВАТАН ФАХРЛАНАДИ



Ватан ҳимояси энг шарафли, шу билан бирга масъулияти оғир вазифа. Айниқса, чегараларимиз ҳудуди энг забардаст ва ишончли қўлларгагина ишониб топширилади. Бу сара ўғлонлар ҳар қандай жасоратга қодир. Ер юзиде халқаро терроризм ва наркотиқ бизнес қўлланаси мавжуд экан, биз эндигина қад ростлаётган мустақил юртимизни бу баёлардан асрашимиз лозим. Чунки чегара ва миллат танимайдиган бу офатлар ортида қафат қабоҳат ва бевақт хазон бўлган умрлар ётади. Шу сабабдан чегарачи посбонлар сарҳадларимизда туну-кун бедор.

2003 йилнинг январи. Дарё қиргоғи бўйлаб «Дозор» чегара нарядига буйруқ олган чегара наряди бошлиғи шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Муҳаммади Ашурматов ўз вазифасини масъулият билан бошлади. У атрофни ўта эътиборлик билан кузатар экан, бир гуруҳ чегара бузғунчиларини сезиб қолди ва чегара наряди тартибига уларни кузатиш ҳақида буйруқ берди. Чегара наряди тартибидеги ёш аскарлар Муҳаммадининг тўғри ва аннқ кўрсатмалари асосида чегара бузғунчиларига, вазифаларига хос бўлган эҳтиёткорлик ва яширинча яқинлашиб уларни қўлга олди. Бузғунчилар ўзларини хўжалик ишлари билан шуғулланаётган кимсалар қилиб кўрсатсалар-да, текширувда уларнинг асл нияти ошкор бўлди. Яъни, қўлга олинганларда энг кучли таъсир этувчи наркотик модда бор эканлиги аниқланди.

Мана шундай воқеалардан яна бири 2003 йилнинг июнида содир бўлганди. Ушш кунни чегара наряди тартибидеги



да бўлган кичик сержант Ашурматов икки нафар чегара бузғунчисини қўлга олинишида жонбозлик кўрсатди. Энг асосийси ўн тўққиз килограммдан ошқ наркотик моддани Давлатимиз чегарасидан олиб ўтилишининг олди олинди. Бу билан халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти асралди, десак хато бўлмайдди.

«Ҳарбий хизматни ўзининг насаби, Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурчи деб билладиган, бутун ҳаётини Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилишга бағишлаган ўғлонларимизнинг оғир хизматини қадрлаш, уларнинг туну-кун, тиним билмасдан ўз ҳарбий маҳоратини ошириш йўлида қилаётган машаққатли меҳнатини эъзозлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир», деган эди Президентимиз. Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни И. А. Каримов.

Юртбошимизнинг ушбу сўзлари исботи сифатида, шуни таъкидлаш жоизки, кичик сержант Муҳаммади Ашурматов Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониға кўра «Жасорат» медали билан тақдирланди. Ватанинг бундай мард ва фидойи ўғлонлари борлиги ҳар биримизда, шубҳасиз, гурур, фахр ва ифтихор уйғотади.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.



ЭЛ-ЮРТ ТИНЧЛИГИ—МУҚАДДАС

Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк йилларидаёқ Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Ислам Каримов раҳнамоллигида миллий армиямизга асос солинди.

Мудофаа вазирлиги, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита бўлинулари, Ички ишлар вазирлиги, шунингден, бошқа идораларнинг ҳарбий тузилмаларини ўз ичига олган Қуролли Кучларимизни такомиллаштириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ватанимизни, тинч ва осойишта ҳаётимизни кўз қорачиқдек сақлашда Ички ишлар вазирлиги ички қўшинларининг алоҳида ўрни бор.

— Мамлакат иқтисодиётининг асоси — йирик sanoat корхоналари ва энергетика тизимлари ишончли қўриқланмас экан, унинг хавфсизлиги ҳам тўлиқ таъминланмайди, — дейди ички қўшинлар бош бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш бўлими бошлиғи майор Рустам Назиров. — Биз ички асосий йўналиш — ўта муҳим ва тоифаланган ишхоотларни қўриқлаш ҳамда тезкор ҳаракатланувчи махсус бўлинулари билан фаолият олиб борамиз.

Ҳарбий хизматчиларимиз жамоат тартибни сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш борасидаги вазифаларини шараф билан удаламоқда. Ўтган йили қирқдан ортқ жиноятчи, икки минг нафардан энг маъмурий ҳуқуқбузарликка йўл қўйган шахс қўлга олинди. Улардан тўртта ўқотар қурол, битта Ф-1 жанговар граната ва патронлар, бир килограммдан энгд гнвҳавандлик моддаси мусодара қилинди. Юртимиздан ноқонуний йўллар орқали четга олиб қетиладиган икки миллион сўмлик моддий бойлик ушлаб қолинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 1999—2000 йилларда юртимизга суқилиб кирдирувчи бўлган бир гуруҳ халқаро террорчиларга қарши курашда Ички қўшинлар ҳарбий қисмларидан жалб этилган моҳир сержант ва офицерлар — Равиль Васильев, катта прапорщик Владимир Воронов, сержант Гулом Хусанов ҳамда оддий аскар Фарҳод Абдуллаев каби ўғлонлар қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Улар номларини абадийлаштириш борасида амалий ишлар қилинган.

Бугунги кунда ички қўшинлар шахсий тартибнинг 70 фонзини шартнома асосида хизмат қилаётган ҳарбийлар ташкил этади. Улар сержантлар тайёрлаш мактабларида малака ошириб, ҳарбий йўналишлар бўйича мутахассисликларини оғалламоқда. Замонавий номбютер хоналари, тренажёрлар, кутубхона ва спорт майдонлари улар ихтиёрида.

Холмурод САЛИМОВ.



Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни И. А. Каримовнинг Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» номли маърузасида «Ҳарбий хизматнинг қанчаллик қийин ва масъулиятли, айни пайтда давлат ва жамият учун негизли зарур эканлиги ҳисобга олган ҳолда, бу хизмат учун тўланадиган ҳақ ҳам, рағбат хурмат ҳам шунга яраша бўлмоғи керак. Бизнинг ҳарбий қурилиш соҳасида олиб бораётган давлат сиёсати-

мизнинг асосий мазмун-моҳиятини ҳам ана шунда кўришимиз зарур», дейилган. Ҳаётини ўз халқи, юрти тинчлигига бағишлаган ва буни таъминлашни ўз бахти деб билган инсонларнинг ҳеч

сержант Э. Файзиев ўз ишнинг устаси, соҳа мутахассиси ва профессионали ҳисобланади. Ҳаётининг интиқдучанлиги, талабчанлиги, қолаверса жанговар хизматга масъулиятчилиги билан

ган кунини ишонлаш байрамида шундай қарор қилинди. Қоровул қўшинлари сафидаги намунали хизмати учун, шунингдек хизмат бурчини бажаришдаги алоҳида ўрнатилган кўрсаткичи — учун Эркин Файзиевнинг номи Қоровул қўшинлари «Хурмат» китобига киритилди. Бу ҳақда тadbир иштирокчиларига ўқиб эшиттирилди ва Эркин акага Қоровул қўшинлари қўмондонининг Фахрий ёрлиғи тантанали равишда топширилди.

Бу фидойи инсон нафақат ишда ўрнатилган кўрсаткичда, балки, шу билан бирга оилادا ҳам ибратли ота. Турмуш ўртоғи Мастура опа билан тўрт нафар фарзандни вояга етказдилар. Фарзандлари Хожиканбар ва Хожимурод-Жонлар ҳам оталари изидан бориб, ҳарбий касб эгаси бўлиш орзусидалар.

Биз лавҳамиз қаҳрамони Файзиев Эркин акага мустақам соғлиқ, оилавий бахт тилаб Қуролли Кучларимизнинг 12 йиллик байрами билан чин дилдан қўлаб, бундан кейинги хизмат фаолиятларида муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Сержант
Бахриддин ЛУТФУЛЛАЕВ.

Ўз касбининг устаси

қачон кам бўлмаганлигига, уни халқ доимо қадрлаб келганлигига тарихдан қўлаб мисоллар келтириш мумкин.

Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинларига қарашли ҳарбий қисмлардан бирида тақдирини мардлар касби билан боғлаган, Файзиевлар сулоласини давом эттираётган бир ўғлон бор. Дарвоқе мазкур сулолани Зангиота туманида яхши билишади. Ушбу, оиладан беш ака-ука ҳарбийлар етишиб чиққан.

Катта сержант Эркин Файзиев шу оиланинг ўртанга фарзанди. Эркин ака 24 йилдан буён ҳарбий қисмда хизмат қилиб келмоқда. Катта

ҳарбий қисм шахсий таркиби ўртасида хурмат-эҳтиром топган.

Мамнуният билан яна шуни ҳам айтиб ўтишимиз керакки, Эркин ака қўлаб шоғирларнинг устаси ҳамдир. Улардан Ш. Қурбонов дастлабки ҳарбий сабоқларни Э. Файзиевдан олган. Ҳозирда у катта лейтенант, взвод командири бўлиб хизмат қилмоқда.

Катта сержант Э. Файзиевнинг фидокорона хизматлари Қоровул қўшинлари қўмондонини ва ҳарбий қисм командири томонидан муносиб тақдирланиб келмоқда. Яқинда қисм ташкил топ-

Вазифаси — фуқаролар муҳофазаси

келнимоқда. Фуқаро муҳофазаси тизими ҳам Истиқлол туфайли дунёга келди, оёққа турди, аста-секин шаклланиб борапти. Дастлаб Мудофаа вазирлиги тартибидеги бошқарма сифатида фаолият кўрсатган тизим 1996 йилнинг март ойига келиб Президентимиз Фармонлари билан Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига айлантирилди.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш, аҳоли ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, фавқулодда вазиятлар вужудга келганда уларнинг оқибатларини тугатиш ҳамда зарарини камайтириш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай ҳоллардаги ҳаракатларини

бошқаришнинг давлат тизими (ФВДТ)ни ташкил этиш ва унинг фаолиятини таъминлаш, фуқаро муҳофазасига раҳбарлик қилиш ва ушбу масалалар бўйича вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш, халқаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш вазирлиқнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналиши қилиб белгиланган.

Ушбу тизимга оид «Аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятлар фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги Қонулар ишлаб чиқилган. Қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда Россия, АҚШ, Германия, Фран-

ция, Украина ва бошқа етакчи давлатларнинг Фуқаро муҳофазаси тизимини шакллантириш тажрибаси инобатга олинган.

Бугунги кунда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги шахсий тартибни фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, шундай ҳолатларда ҳаракат қилишни ташкил этиш, аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишда жонбозлик кўрсатишмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида мардлиги, ишхоатлиги ҳамда вазифаларини виждонан адо этганлиги учун ФВВнинг қўлаб ходимлари Ўзбекистон Республикасининг орден ва медаллари, Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланганлар.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, мамлакатимизда фуқаро муҳофазаси фидойи инсонлар қўлида. Улар ҳар қандай вазиятда, ҳар қандай ҳолатда ишончли ҳаракат қилишга қодир.

Азамат СУЮНОВ.



Биз истаимизми, истамай-мизми, ҳаётда турли хил қийинчиликлар юзгага келиб туради. Кутилмаганда сув тошқини юз бериши мумкин, бирдангина, шимадир сабаб бўлиб ёнғин чиқиши мумкин. Тупроқ кўчиши, қор кўчиши мумкин. Хуллас, бу табиий жараён, кутилмаганда мураккаб вазиятларга тушиб қолшимиз бор гап.


Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ аҳоли хавфсизлигини таъминлаш масаласига катта эътибор қаратиб

● САФАРБАРЛИК ЧАҚИРУВИ РЕЗЕРВИДАГИ ХИЗМАТ

ЮРТ ҲИМОЯСИГА КАМАРБАСТАМИЗ

Янги қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни мувофиқ ўтган йили ҳарбий хизматнинг янги тури — сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат жорий этилди. Бу Қонуни чақирилувчилар, аҳоли ўртасида кенг тарғиб, ташвиқ этишда Мудофаа вазирлиги, вилоят мудофаа ишлари бошқармалари, туман ва мудофаа ишлари бўлимлари ходимлари, маҳалла фаоллари катта ишларни олиб бормоқда. Шу босқичдан ҳам кейинги вақтларда чақирилувчилар орасида хизматнинг бу турини ўтати ҳам Конституциявий бурчини бажариш эканлигини тушуниб олган фуқароларимиз сифати кундан кунга, ойдан ойда кўпайиб бормоқда.

— Мен, — дейди сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаётган фуқаро Дилмурод Муҳитдинов, —



булар экан. Биз ички ишларда ва бошқа ҳарбий ташкилотларда хизмат қилишимиз, ҳарбий соҳага ўқишга киришимиз мумкин экан. Бу чақирилувчиларга жуда маъқул келяпти.

— Менга, — дейди йигит



Тошкент шаҳридан бўламан. Чақирилувчи сифатида хизматнинг ҳар қандай турини ўтатишга тайёр эдим. Лекин чақирув комиссиясининг ҳулосасига кўра, хизматнинг ушбу турига жалб этилдим. Хизматнинг барча тартиб-қоидаси менга ҳам, ота-оналаримга ҳам жуда маъқул келди. Йигит бўлиб, Ватаним олдидаги фуқаролик бур-

чимни адо этаётганлигимдан шодман. — Ушбу хизматни ўтаётганларга, — дейди айни кунларда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматнинг бир ойлик йиғинида иштирок этаётган фуқаро Мурод Оринов, — муддатли хизматни ўтаганлар қандай ҳуқуқларга эга бўлишса, улар ҳам деярли шундай ҳуқуқларга эга

иштирокчиси Бекзод Нуралдиев, — ушбу хизмат вақт жиҳатидан жуда маъқул келди. Чунки бир қатор режаларим бор эди ва эндиликда ҳам ҳарбий хизматни ўтайман, ҳам ўйлаган режаларим амалга оширишга ишонаман.

— Бир ойлик йиғинни ўтаб бўлганимиздан сўнг, — деди яна бир йигит иштирокчиси Шамсиддин Усмонов, — биз тантанали равишда ҳарбий Ҳасамед қабул қилар эканмиз. Бу биз ҳақиқий Ватан ҳимоячилари сафидан жой олишимиз дегани. Ана шундан сўнг бизларга ҳарбий гувоҳнома берилар экан.

Мен имкониятдан фойдаланиб, барча ҳарбийларни, юртдошларимни 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини, Қуролли Кучларимизнинг ўн икки йиллиги билан чин дилдан табриклайман.

Биз сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат ҳарбий йиғинига чақирилган қайси бир фуқаро билан суҳбатлашмайлик, уларнинг ҳар бири ҳарбий хизматни ўташга тайёрлигини мамнуун эканлигини пазор этишди.

Майор Хайриддин ЗАИНИЛОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

● ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИДА

„НУРОНИЙ“ ҲАМ ФАОЛ

Ўзбек халқи тинчликсевар ҳамда байрамсевар халқ эканлиги азалдан аён. Байрамларнинг ёшун қари орасида бирден кўтаринки кайфиятда нишонлангани ҳам бизга хосдир. Ҳар қандай шодиёни кўнгилдагидек ўтишида, жойларда уларга бағишлаб турли тадбирларни ўтказишда давлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни катта ва беғиёсдир.

14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини, Қуролли Кучларимизнинг ташкилотчилиги 12 йил тўлиши муносабати билан юртимизнинг турли ҳарбий қисмларида, ҳарбий олий ўқув муассасаларида, сержантлар тайёрлаш ҳамда мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти мактабларида ҳар кил учрашувлар, турли маззуларда суҳбат, мунозара ва семинарлар, қизиқарли кечалар, спорт мусобақалари, ислоҳ этилаётган миллий армиямизнинг жамиятдаги роли ва ислохотлар мазмуни моҳияти ҳақида маънавий-маърифий, табиавий аҳамиятга эга тадбирлар ўтказилмоқда. Албатта, уларнинг ҳар бири Қуролли Кучлари-

миз сафларида мард ўғонларни Ватанига, халқига ва Президентига бўлган муҳаббатини ошириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, юрти ва касби учун фахр туйғусини кучайтириш, қолаверса, маънавий ҳордиқ чиқариш йўлида хизмат қилади.

Бу борада «Нуроний» жамғармаси ҳам талайгина тадбирларда фаол иштирок этишини, кўплаб ишларни амалга оширишни олдинга мақсад қилиб қўйган. Масалан, Тошкент вилояти миқёсида оладиган бўлса, вилоят ҳокимининг фармойиши асосида байрам тантаналарида тайёргарлик кўриши ва унинг ўтказиш юзасидан тадбирлар махсус режаси мавжуд. Уруш ва меҳнат фахрийлари, таниқли маданият арбоблари, шоир ва ёзувчилар, машҳур жамоалар иштирокида «Тинчлик ва осойишталик учун курашмоқ керак», «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон», «Ким эдигу, ким бўлдик» мавзуларида учрашув ва кечаларни ўтказишда «Нуроний» жамғармаси ташкилотчилардан бири бўлди.

Маълумки, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий қўллаб-қувватловчи ушбу жамғарма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 4 декабрдаги фармони асосида тузилди. Фаолият кўрсатмоқда. Табиийки, уруш фахрийларига, ҳарбий соҳада фаолият кўрсатиб захирага бўшатилганларга, хизмат бурчини ўтатиш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига ҳам алоҳида эътибор берилиб, моддий ёрдам кўришида ҳам уларга махсус табриқномалар юборилиб, совғалар улашилди.

Кўпгина хонадонларга қувонч, байрамона кайфият олиб келувчи инсонлар ўз меҳнатларидан, кундалик фаолиятидан мамнуун бўлса арзийди. Хурматли фахрийларимиз миншадорчилигига сазовор бўлаётган «Нуроний» жамғармаси жамоаси ҳам шулар сирасидан эканлигига ҳеч шубҳа йўқ.

Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

● 2004 ЙИЛ — МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИ

ХАЛҚИГА МУНОСИБ АРМИЯ

Мамлакатимизда 2004 йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб аталиши давлатимиз инсонпарварлик сийқатининг яна бир ёрқин намунаси. Меҳр ва мурувват йили ўтган йилларнинг, яъни «Аёллар йили», «Қарияларни қадрлаш йили», «Обод маҳалла йили»нинг мантиқий давомидир. Бу йиллар ўтган сайини бир-бирлари билан узвий боғланиб, бир-бирларини тўлдириб келмоқда.

Меҳр ва мурувват тушунчаларини бир-бирдан айро ҳолда тасаввур қилиш мушкул. Қадим юртимизнинг қадим қадриятлари ана шу тушунчалар замида илдири оған. Дунё аҳлини ҳамон лол қолдириб келаятган бетакор осори-атиқаларимиз. Шарқ донишмандлигини нафис оҳанглари билан минг бир жилда акс эттирувчи аллома аждодларимизнинг шоҳона байтлари, кўҳна шаҳарлар, кўкка мағрур бўй чўзган минорларимиз Ватанга бўлган чексиз муҳаббат, меҳрнинг тимсолидир. Дини, ирқи, миллатидан қатъи назар турфа одамларга тенглик билан, бағридан жой берган юртимиз мурувватли бўлади!

Орадан асрлар ўтганига қарамай буюк туркий лашкарбошларнинг ҳарб санъатига энг ривожланган мамлакат армияларида ҳам бот-бот мурожаат қилинади. Ҳарб санъати ҳам она-юртга меҳр натижасида шаклланиб, сайқалланган. Бугун шаклланаётган миллий армиямиз дунёда тенгсиз бўлган шерирак аждодларимиз, саркардалар — Ҳалолддин Мангуберди, Амир Темур, Бобуршоҳлар билан ҳақли равишда фахрланади, амалда ҳам уларнинг ҳақиқий ворислари эканлигини исботламоқда.

ланган оилаларнинг фарзандлари учун арча байрами ташкил қилдилар. Болакайлар қалбини олам-олам завққа тўлдирган бу байрам тадбири улар учун «ширин стол» ва совға-саломлар тарқатиш билан якунланди.

— Билим юртимиз Меҳр ва мурувват йилида ҳарбий хизматчиларимиз оилаларининг ижтимоий аҳволини янада яхшилашга эътиборни қаратган, — дейди биз билан суҳбатда билим юрти тарбиявий ишлар бўлимининг бошлиғи подполковник Алишер Худойбердиев. — Бундан ташқари бир қатор Қуролли Кучларимиз фахрийлари ҳолидан хабар олши, улар учун байрам тадбирлари уюштиришни зиммамизга олганмиз. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, офицерликнинг шарафли касб эканлигини, она-Ватан ҳимоячиси бўлиш — ҳар бир инсоннинг юксак бурчи эканлигини улар онгига сиқидириш мақсадида мактабларда, билим юртининг ўзида турли тадбирлар ўтказишни режалаштирганмиз. Қалбида юртга меҳр-садоқат жўш урган ёшларни тарбиялашдек мураккаб ва масъулиятли ишда бор куч-гайратимизни ишга соламиз.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Баҳодир Раҳматуллаевнинг оиласи кўплаб ҳарбий оилаларимиздан фавақ қилмайди. Рафиқаси Ибодат Тиллаева ҳам шартнома бўйича хизмат кичик сержанти. Уларнинг иккаласи ҳам Тошкент маданият институтини тамомлашган. Оилада Дилфуза, Хадисабегим исмли шириндан-ширин қизалоқлар воёга етишмоқда. Бу оилада ўзаро бир-бирига ишонч, ҳурмат, меҳр муҳаббат устувор. Шу сабабли ҳам Баҳодир етти ёт бе-



Армия билан халқ яқдидир, дея кўп бор таъкидлаёмиз. Бу айни ҳақиқатдир. Улар бир-бирдан айрича яшаши, шаклланиши мумкин эмас. Армиямизнинг халқ билан алоқаси кенг тармоқлидир. Меҳр ва мурувват йилида бу нарса айниқса, аниқ равишан кўринмоқда.

Ҳарбий қисмларимиз мактаблар, кам таъминланган оилалар, ёлғиз қарияларга мурувват кўрсатиб, уларни ўз оталиқларига олганлар. Бунга мисол қилиб Навоий гарнизони ҳарбий қисмининг кўрсатишимиз мумкин. Янги йилнинг илк кунлариданоқ қисмда махсус ички комиссиясиз тузилди. Бу комиссия қисмга қўшни маҳаллаларда яшовчи ёлғиз қариялар, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Бу борада Тошкент олий умумқўшни қўмондонлик билим юрти жамоасининг ҳам олиб бораётган ишлари таҳсинга лойиқ. Билим юрти Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда ҳарбий хизматчилар ва кам таъмин-

гона касал болани уйига етаклаб келганда Ибодат ҳеч бир огринишсиз, мунис аёлларга, оналарга хос меҳр билан болакай бошида парвона бўлди.

Посбоннинг Ватани, халқи, Президентига содиқлиги ҳақида қилган Қасамедда собитлиги — бир жиҳатдан оналарнинг меҳр билан берган оқ фотиҳалари туйфайлидир. Аёл — она меҳрида садоқатга, мардликка ишонччи акчи сеҳрли куч мавжуддир.

Меҳрнинг кўприкка қисласак, мурувват унинг мустақамлигини таъминловчи устундир. Ҳарбий қисмларимизнинг Меҳр ва мурувват йилида олиб бораётган инсонпарварлик фаолиятлари армия билан халқнинг алоқасини нафақат мустаҳкамлайди, балки, уларнинг ягона эканлигини амалда исботлайди. Инсонпарвар, меҳрорқибатли, мурувватли, бой ва гўзал маънавият чашмаларига эга халқнинг миллий армияси ҳам ўзига муносибдир.

Ибодат ИБРОҲИМОВА, «Ватанпарвар» мухбири.

● МАРДЛАР МАКТАБИ

БАРЧАМИЗНИНГ МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФАМИЗ

Ватанни ҳимоя қилиш ҳақидаги ғояларни тарғиб этишни ўзининг асосий бурчи деб билган «Ватанпарвар» ташкилоти амалдаги қонулар, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари, давлат дастурлари ҳамда ташкилот низоми доирасида белгиланган мақсад-вазифаларни давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда амалга ошириш асосида ислохотлар жараёнига ўзининг баҳоли қудрат ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Қуrollи Кучларга техник мутахассислар етказиб бериш ташкилотининг асосий фаолият йўналишларидан бири бўлиб, бу оорадаги режалар доимий равишда бажарилмоқда. Ўқув-тарбиявий жараёнда бўлажак ҳарбий хизматчиларга ҳарбий-техник мутахассислик бўйича тайёргарлик, маънавий-маърифий, ҳуқуқий тарбия ва спортнинг техник ва амалий турлари бўйича машғулотлар ўтказилади. Ўқув жараёни ва курсантларнинг яшаш шароитлари умумҳарбий Низомлар асосида ташкил этилган. Бундай ёлдамаш бўлажак аскарларга ҳарбий хизмат кўникмаларини беради. Тизимдаги 33 та ўқув муассасаси, 2 та авиация спорт клубларида автотранспорт ҳайдовчилари, зирҳли машиналар ҳайдовчилари, алоқачилар, парашютчилар, хизматчи итлар ўргатувчилари, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари учун кўплаб мутахассислар тайёрланади.

Шунингдек, ташкилот тизимида фаолият кўрсатаётган маънавий масканлари бўлиши 4 та «Шонли Ватан тарихи» музейи, 200 дан ортиқ «Маънавий ва маърифат» хонаси, 170 та кутубхона ва китобхоналар бурчларида ёшлар тафаккурига миллий истиқлол ғояларини сингдириш, уларни ватанпар-


варлик руҳида тарбиялаш ишлари йўлга қўйилган.

Ташкилот фаолиятини таъминлаштиришда «Энг яхши ўқув ташкилоти», «Энг

зилган авиамодель спорт тури бўйича Жаҳон кубогининг босқич мусобақалари, Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган ёзги би-

атлон бўйича Европа чемпионати ва Италиянинг Форми-Аволтри шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионати, Макао, Қозғистоннинг Боровое ҳамда Хитойнинг Шанхай шаҳрларида ўтказилган триатлон бўйича Оснб Кубоги мусобақаларида эришилган натижалар шулар жумласидандир.

Еш авлодни Ватанга садоқат, аждодлар меросига ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида йил давомида кўпгина ишлар олиб борилса-да, «Ватан ҳимоячилари кўни» муносабати билан ўтказилган Оммавий-ватанпарварлик тадбирлари ойлнги давомида ушбу йўналишда алоқадор ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари кенгайиб, ўтказилган маънавий-маърифий, мафкуравий тадбирлар савияси йилдан-йилга олиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринли. Бу йилги ойлнги дастури Юртбошимизнинг «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта



яхши бошланғич ташкилот», «Тадбиркор раҳбар», «Энг моҳир ўргатувчи уста» каби танловлар ҳам ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

2003 йилда ташкилот спортчиларидан иборат Ўзбекистон терма жамоалари 13 та халқаро мусобақаларда иштирок этиб, уларнинг асариятида юқори натижаларга эришилди ва республикамиз шарафини янада юксалтиришга ўз ҳиссаларини қўшинди. Қозғистон Республикасининг Алмати шаҳрида ўтказилган ўқ отиш спорт тури бўйича «Олтин мерген» халқаро мусобақаси, Қирғизистон Республикасининг Чўлпон-ота шаҳрида ўтган йилнинг 23 июнидан 29 июнига қадар ўтказилган ёзги биатлон бўйича Оснб чемпионати, Украина Республикасининг Киев шаҳрида ўтка-



ҳаётимизнинг мустаҳкам нафолатидир» номли рисоласи асосида ҳамкор ташкилотлар билан ишлаб чиқилди. Дастурда Ўзбекистон Республикаси Қуrollи Кучларини замон талаблари даражасида ислох қилиш борасида олиб борилаётган ишлар, Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат туғрисида»ги қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг ушбу соҳага оид қарорларини ҳарбий хизматга қақирладиган ёшлар ўртасида давра суҳбати, мулозара ва баҳслар шаклида тушунтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Оммавий-ватанпарварлик тадбирлари ойлнгининг сўнги катта тантанали тадбири 14 январь кўни бўлиб ўтади. Айни кўнларда ватанпарварлик тарғиботи доирасидаги ишларни йил мобайнида давом эттириш мақсадида «Ватанпарвар» ўқув муассасалари, лицей ва коллежлар ҳамда умумтаълим мактабларида ҳарбий қисмлар билан ҳарбий-оталиқ режалари тузилмоқда. Уйлаймизки, баркамол авлодни вояга етказиш, мамлакат мудофаа соҳа-лоҳиятини юксалтириш ва би муштарак мақсадларни ҳаётга татиқ этишда алоқадор давлат ва жамоат ташкилотлари билан кенг ҳамкорликдаги ишларимиз йил мобайнида узлуксиз давом этади.

Имкониятдан фойдаланиб, жонжон Ўзбекистонимизнинг фидойи фарзандларини, Қуrollи Кучларимиз аскар ва офицерларини, истиқлолнинг орзиқиб кутган ва эсон омон шундай чарогон кўнларга этиб келган уруш ва меҳнат фахрийларини, аждодлари хони ётган табаррук заминимизга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ҳиссига эга бўлган барча юртдошларимизни 14 январь — Ватан ҳимоячилари кўни умумхалқ байрами билан самимий табриклаймиз.

Полковник
Абдулазиз
АБДУҚАҲҲОРОВ,
«Ватанпарвар» ташкилоти
Марказий кенгаши раиси,

● ҲАРБИЙ САНЪАТКОРЛАР ФАХРИМИЗ

АНСАМБЛЬ ФИДОЙИЛАРИ

Қуrollи Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли 1992 йил 25 майда ташкил топган. Бу ерда етмиш нафардан зиёд итти фаолият кўрсатади. Ансамбль жамоаси хоринида, жумладан, Америка, Германия, Италия давлатларида ижодий сафарларда бўлган. Жамоа асосан ёшлардан ташкил топган. Ижодлари ҳам серқирра. Солистлар жаҳон халқлари кўшиқларини маромига етказиб куйлашса, раққосалар ҳам ўз навбатида турфа миллат раққосларини юшқинлиги ва ўзига хос назокат билан ажро этишади.

Ҳамма жойда бўлгани каби ансамблининг ҳам эл олқини, хурматига сазовор фидойилари бор. Улар орасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган, Қорақалпоғистон халқ артисти, бош балетмейстер капитан Э. Мадраҳимова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист капитан М. Ҳанимов, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артистлар — К. Раҳматов, Т. Юсуфов, солистлар — Э. Бобоқонов, И. Исқандарова, У. Ҳайдаралиев, Р. Пиржонов, мусиқачилар — К. Умиджонов, Ф. Азимов, Р.

Ваҳобов, Д. Хўжақулова, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист В. Пивоваровларни алоҳида тилга олиб ўтасан арзийди.

Ўтган йилги мустақиллик тантаналари жамоа учун унутилмас бўлиб қолди. Ҳарбийларимизнинг концерт дастури давлатимиз раҳбарияти эътирофига сазовор бўлди ва жамоага миннатдорчилик билдирилди.

Ансамблга капитан Шўҳрат Дадажоновнинг раҳбар этиб тайинланиши жамоада ижобий ўзгаришлар ясади. Жамоанинг моддий базаси кучайди. Ниманинг ҳисобига дейсизми? Албатта юқори савияда уюштирилган турли концерт дастурлари ҳисобида. Бундай концертлар завод, фабрика, билим юртлари,

шаҳар ва туман ҳокимиятларида муваффақият билан намойиш этилди. Тўшган маблағ жамоанинг рағбатлантирувчи жамгармасига, компьютер ва мусиқа асбоблари сотиб олишга, раққоса қизлар учун турли хилдаги костюмлар тиктиришга сарфланмоқда.

Йилдан-йилга ансамбль репертуари, кўшиқлар сифати ҳам ошиб бормоқда. Ўз устида тинимсиз ишлайдиган жамоа ижод чуққилари сари муваффақият билан иштиляпти. Келгуси режалар ҳақида ансамбль раҳбари, жумладан, шундай дейди:

— Қуrollи Кучларимиз танкид топганлигига 12 йил тўлди. Табиийки, бундай кўтлуғ санага қизгин тайёргарлик кўрдик. Янги куй,

кўшиқлар, раққослар яратиб устида ишляимиз. Ижоддор куй-кўшиқлар, мафғункор раққослар яратиб, ушбу умумхалқ байрамини кўтаринки найфиятда нишонлашга ўз ҳиссасини қўшамиз, деган умиддамиз. Шоирлар, бастакорлар билан яқин ҳамкорликда иш олиб бориамиз, Она-Ватанимиз мадҳ этувчи, қалбларни тўлқинлантирадиган, бетакрор, гўзал кўшиқлар яратиб энг азгу маъсадимиздир.

Санъат олами азгулини мадҳ этиб келади. Кўшиқчинини санъатда кўплаб муҳлислар кўнглини забт этган ансамбль ижодкорларининг ҳали яратилажак гўзал куй-кўшиқлари кўп.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» муҳбири,

● ОҚ ХАЛАТЛИ ПОСБОН АЕЛЛАР

Оташ қалб сўнмасин

Мен шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Шаҳло Акбарова билан суҳбатлашмасимдан аввал у ҳақда кўп маротаба илиқ сўзлар эшитгандим. Мақола тайёрлаш давомида ўзим ҳам бунга амин бўлдим. Ҳозирда Қуrollи Кучлар Марказий ҳарбий клиник госпиталида бош ҳамшира вазифасида фаолият олиб бораётган бу аёлнинг ўта ширинсўз ва хушмуомалалиги билан бирга ўз касбини фидойи эканлигини унинг сафдошлари ҳам тасдиқлашди. Чунки кўплаб ҳамширалар фаолият олиб борадиган бу катта жамоага бош ҳамшира бўлиш осон иш эмас, албатта.

Шаҳло опа Тошкент шаҳрида таваллуд топган. У 1980 йилда пойтахтимиздаги тиббиёт билим юртини имтиёзли диплом билан битириб, Ибн Сино номидаги биринчи шаҳар клиникасида ўн икки йил давомида дастлаб оддий ҳамшира, сўнгра катта ҳамшира вазифаларида фаолият кўрсатди. Шу йиллар давомида унинг юксак орзуларидан бири Марказий ҳарбий клиник госпиталда ҳарбий ҳамшира вазифасида ишлаш истағи эди. Бироқ, мустақиллигимизга қадар бундай бахт санокли ўзбек қизларигагина насиб этганди. Аммо қаҳрамонимиз орта чекинмади. У 1993 йилда тегишли синовлардан ўтиб, шартнома



бўйича оддий аскар унвонига эга бўлди. Отоларингология бўлимида ҳарбий ҳамширалик фаолиятини бошлаган оддий аскар Шаҳлохон Акбарова ўз касбини пухта эгаллагани, тиришқоқ ва ҳаракатчанлиги

боис 1994 йилда кичик сержант унвонига эга бўлди. Шу билан бирга унга ушбу бўлимининг катта ҳамширалик вазифаси ишониб топширилди.

Ҳалол хизмат қилган, касбини севган инсоннинг ҳаётида ҳамма вақт ўз ўрни бўлади. Айниқса, аёл киши учун хизмат ва онлари бирдек элланнинг ўзи бўлмайди, албатта. Шаҳло опа бунинг улдасидан чиққан аёл. У ул фарзанднинг — Дилшодбек, Ширин ва Шўҳратбекларнинг меҳрибон онаси, шунингдек турмуш ўртоғи Алишер ананинг севимли рафиқаси.

— Мен бахтли аёлман. Чунки касбимни, хизматимни қадрлайдиган турмуш ўртоғим, жондан азиз фарзандларим, мени кўплаб-қувватлайдиган жамоам бор. — дейди Шаҳло опа мамнуният билан.

— Мапа, яқинда менга юксак ишонч билдирилди. Яъни, 2003 йили ҳарбий шифохонанинг бош ҳамшираси лавозимига лойиқ топилдим. Бу ишонч ортида катта масъулият бор, шубҳасиз. Биз ҳамширалар нафақат ўз муолажаларимиз билан, балки ширинсўз ва меҳрибонлигимиз билан ҳам беморларимиз дарадига дармон бўлмоғимиз керак. Шу билан бирга ҳарбий госпиталимиздаги ҳамшираларнинг барчаси иқтидорли ва ўз касбини мукамал эгаллаган хизматчилар десам янглишмайман. Мақсадимиз ҳарбий хизматчиларга малакали хизмат кўрсатиш.

Бу эзгу ниятлар ортида юксак қалб турганлиги шубҳасиз. Бу қалбининг оташи асло сўнмасин, деб қоламиз.

Лейтенант
Ҳасан МИРЗАЕВ,
«Ватанпарвар» муҳбири,


● ЯХШИ ДАМ — ХИЗМАТГА ҲАМДАМ

ХИЗМАТГА ЯРАША ИЗЗАТ

Дўрмонда, Тошкент шаҳрининг чекчасида сўлим бир гуша бор. Ҳарбийлар дам олиш маркази. Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали қошидаги ушбу маскан кишини-ёзини дам олувчилар билан гавжук. Жанговар хизмат машаққатларидан бир оз бўлса-да толиққан офицерлар, шартнома бўйича хизматчилар, Қуролли Кучларимиз хизматчилари, қолаверса, уларнинг онла аъзолари бу ерда мириқиб ҳордиқ чиқаришади, эртанги кунга куч тўплашади. Зиммаларидаги бурчларини, вазифаларини янада яхшироқ, аълороқ ўташга шайланадилар.



Аммо марказда анчадан бери дам олувчиларнинг янги бир тоифаси пайдо бўлди. Ушбу омад кулиб боққан: ҳарбий хизматчилар Мудофаа вазирлигининг махсус буй-



Биз билан суҳбатда Офицерлар Марказий уйи маданият ишлар бўйича йўриқчиси Татьяна Яцикова шундай дейди:

— Қарийб икки йилдан бери мунтазам давом этаётган ушбу ажойиб анъана барчага манзур бўлмоқда. Мен узоқ-узоқ гарнизонлардан келатган ҳарбий хизматчилар, уларнинг онла аъзолари, фарзандларининг чексиз шодлигига, қувончига бевосита шерик бўлмоқдаман. Меҳмонлар Мудофаа вазирлиги раҳбариятига, барча ташкилотчиларга чексиз миннатдорчилик билдириб кетмоқдалар.

Мен Дам олиш марказининг фахрий меҳмонлари, уларнинг онла аъзолари билан узоқ суҳбатлашар эканман, эътибор, ҳурмат-эҳтиром инсон учун, Ватанимиз содиқ посбонлари учун нақадар муҳимлигини яна бир бор юракдан ҳис қилдим. Ҳа, Юртбошимиз «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» китобида таъкидлаганидек, «Уз ҳаётини армиясиз тасаввур этолмайдиган, ҳарбий хизматни шунчаки иш эмас, Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурч, деб биладиган мард жангчиларимизнинг оғир ва масъулиятли меҳнати муносиб тақдирланиши лозим». Ана ўшанда жанговар сафларда илғорлар, ғолиблар, шу куннинг қаҳрамонлари кун сайин, соат сайин кўпаяди.

Майор Азимбек УСМОНОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

Дуғига кўра турли гарнизонлардан онла аъзолари, фарзандлари билан тақлиф этилади. Уларга имтиёзли равишда бепул хизмат кўрсатилади. Бу илғорлар ичра илғор, ғолиблар ичра ғолиб бўлган посбонларга кўрсатилаётган иззатнинг ҳаммаси эмас. Танланганларнинг муносиб даражада маданий ҳордиқ чиқаришлари, маънавий-руҳий озуда олишлари учун ташкиллаштирилатган тадбирларда иштирок этиш ҳар кимда ҳам ҳавас уйғотади. Тарбиявий ишлар бош бошқармаси, Маданий ишлар хизмати бош-қош бўлаётган тадбирлар Мудофаа вазири билан учрашувдан, эсдалик учун суратга тушишдан бошланади. Дилдан суҳбатларда,

ислохотлар, янгилинишлар жараёни, ютуқ ва муаммолар ҳақида сўз юритилади.

Гўзал пойтахтнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат, Темирийлар тарихи давлат музейи, Қуролли Кучлар Марказий музейи билан танишув ҳам дастурдан асосий ўрин олган. Навбати билан мамлакатимизнинг машҳур маданият ўчоқларига таъриф давом этади.

Машҳур фильмлар, спектакллар, концертлар, кизилқарли цирк томошалари, ҳайвонот боғига сайр, осмон ўпар телеминорадан пойтахтни томоша этиш эса катта кичикка хурсандчилик, байрамона кайфият бағишлашни аниқ.

● ВЫСТАВКА

В руке солдата... художественная кисть

В канун празднования Дня защитников Родины в Выставочном зале Центрального музея Вооруженных Сил открылась IV Всеармейская выставка художественного творчества.

Добрая традиция — ежегодно предоставлять выставочные площадки Музея для экспонирования творческих работ военнослужащих и членов их семей — интересна своим постоянством. Не стали исключением и эти январские дни, заполненные всеармейской подготовкой к встрече славной даты — 12-летия со дня образования Вооруженных Сил нашей страны. Одним из значимых событий и является открывшаяся в торжественной обстановке очередная выставка.

Среди гостей и первых зрителей были воины столичного гарнизона, офицеры и военнослужащие по контракту с семьями, ветераны труда и Вооруженных Сил, именитые художники.

В выставочном зале представлено более пятидесяти работ. Их создали и совсем юные, как одиннадцатилетняя Настя Шуман, и молодые люди возрастом постарше — солдаты срочной службы рядовые Шерзод Рузикулов, Исмонил Юлдашев, их одноклассники — курсанты Чирчикского ВТКИУ, и именитые уже участники всех предыдущих выставок, как, например, старший лейтенант Икбол Ильхомов.


Полная свобода творчества — это, пожалуй, самая

важная особенность открывшейся выставки. Здесь представлены картины, разполаченные по сюжету и выполненные в самых разных жанрах. С ними соседствуют подделки: ланно, исполненные в технике гобелена или ажурным и витиеватым плетением макраме, деревянные шкатулки и вышивка золотой нитью... Впрочем, *всего и не перечислить*. А сказать важно о том, с каким теплым душевным настроем выполнены представленные здесь работы. В них — огромный творческий труд авторов, их желание показать красоту и величие нашей Родины.

К сожалению, только несколько работ будут названы лучшими, а их авторы получат дипломы и соответствующее вознаграждение. Но уже первые отзывы свидетельствуют — зрительский симпатий достаточно для всего, что представлено в музее.

Такие выставки, конечно, полезны и необходимы. Они дают возможность открыть себя новым талантам в больших и малых городах и дальних гарнизонах, а еще представить свое творчество в одном из лучших выставочных залов столицы.

Подполковник Камил МИРГАЛАУТДИНОВ.



● БАРКАМОЛ АВЛОД

ҲАРБИЙ СПОРТЧИЛАР ЮРТНИ ШАРАФЛАР

Юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга бўлган эътибор давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Шу ўринда мамлакатимиз спортига муносиб улуш қўшаётган, дунё узра юрт байрогини баланд кўтариб, Ўзбекистон шайини жаҳонга ёйётган ҳарбий спортчиларимиз хусусида тўхталиб ўтсак. Келинг, яхшидан айрим спорт турлари бўйича армиячиларимизнинг 2003 йилги натижаларини таҳлил қилсак.

4—11 декабрда Италиянинг Катания шаҳрида ҳарбий хизматчилар ўртасида бокс бўйича умумжаҳон йўналиши бўлиб ўтди.

Умумжамоа ҳисобида халқаро мусобақада иккинчи ўринни эгалладик. Унта боксчимиздан тўққиз нафари медаллар билан Ватанга қайтишди. Иккита олтин, битта кумуш, олти бронза медалларига сазовор бўлишди, ўғлонларимиз. Бу халқаро турнир, мусобақаларда тўпланган тажриба самараси. Масалан, шартнома бўйича хизмат оддий аскари Дилшод Маҳмудовни олайлик. Дилшод нафақат Италияда, балки бешинчи Марказий Осиё ўйинлари, Навоийда ўтказилган халқаро турнирда ҳам биринчи ўринни олган.

Олий тоифали мураббий Степан Лебедевнинг шогирдлари бўлган ҳарбий баскет-

болчиларимиз эса ўтган йилги ҳам Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритиб, ўн карра мамлакат чемпиони деган шарафли номга эга бўлишди.

Қўл тўли бўйича Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кубоги мусобақалари ғолиби бўлган Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билан юртининг «Танкчи» жамоаси, кейинчалик мамлакат чемпионлигини ҳам қўлга киритиб, саккиз карра Ўзбекистон чемпиони деган номга сазовор бўлди.

Ҳарбий спортчи аёлларимиз ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Енгил атлетика шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Любовь



Перепелова, Қуролли Кучларимиз хизматчиси Анастасия Журавлева 2004 йил Афинада бўладиган олимпиада мусобақаларига йўланма олишди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи, шартнома бўйича хизмат оддий аскари Екатерина Хи-

лько Германиянинг ГанOVER шаҳрида трамполинда сакраш бўйича юқори патикага эришиб, олимпиадага бориб ҳуқуқини қўлга киритди.

2003 йилги мусобақалар натижалари бўйича Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий спорт клуби йилнинг энг яхши спортчилари рўйхатини эълон қилди. Рўйхатининг бошида олимпиада ўйинларига йўланма олган оғир атлетикачимиз сержант Игорь Халилов турибди. Хуллас, қирққа яқин ҳарбий спортчиларимиз халқаро мусобақалардан медаллар билан қайтишиб, йилнинг энг яхши спортчилари рўйхатидан жой эгаллашди.

Капитан Алижон САФАРОВ.

(Газетамизнинг навбатдаги сонини 16 январда чиқади).

Бош муҳаррир полковник Ирисмухаммад АБДУҚАРИМОВ

Газета сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.
АЛОҚА ТЕЛЕФОНЛАРИ:
Обуна бўлими — 56-03-46.
Маълумот, реклама — 56-54-76.
Факс (3712) — 56-07-80.
Таҳририят манзили: 700031, Тошкент шаҳри, Д. Қўнаев кўчаси, 21-уй,

Реклама ва эълонларнинг ҳаққонийлиги учун реклама берувчи жавобгар ҳисобланади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.
«Ватанпарвар» газетаси босмаҳонасида чоп этилди.